

2. шАмонов О.З. Қоракўлчилик хўжаликларда гельминтозларга қарши янги антгельминт-туз аралашмалар ва уларни қўллаш технологияси. //Вет.ф. номзоди диссерт. Самарканд, 2008. 130 б.
3. Джабборов Ш.А. Қўй гельминтозларига қарши янги антгельминтли-туз аралашмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш. //В.ф.н. дисс. Самарканд, 2005. 108 б. ва 44 б. “Иловалар”.
4. Иргашев И.Х. Новое в борьбе с важнейшими гельминтозами каракульских овец в Узбекистане. //Тр.ВНИИК, т.ХШ, 1963.
5. Иргашев И.Х., Риш М.А. Применение фенотиазино-солевых смесей с добавкой медного купороса в каракулеводстве. //Тр. ин-та каракулеводства. т.135 1963. С. 271-279.
6. Йўлдошев (Юлдашов) Н.Э. Гельминтозларга қарши курашнинг замонавий услуб ва воситалари. // “Зооветеринария” и.о. ж-л. №1, 2010. Б. 17-18.
7. Орипов А.О., Жабборов Ш. Новое средство для химиофилактики гельминтозов овец. //Актуальн. проб. бол. жив-х в совр. условиях. Мат-лы Междунар. Научно-практич. конф. поев. 60-летию Тадж.НИВИ. Душанбе, 2003. С. 141-142.
8. Орипов А.О., Йўлдошев Н.Э., Амонов О, Исаев Ж.М. Гельминтозларга қарши курашнинг замонавий услуб ва воситалари. //7 “Зооветеринария” илмий оммабоп ж-ли. “Нишона” 2007. Б.24.
9. Орипов А.О., Йўлдошев Н.Э., Жабборов Ш., Амонов О. Қоракўлчилик хўжаликларига да гельминтозларга қарши янги кимёвий восита - бентонитли антгельминт-туз аралашмаларни тайёрлаш ва қўллаш бўйича ҚЎЛЛАНМА. ВББ томонидан 13.05.2008 й. тасдиқланган
10. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Қоракўл қўйларининг асосий гельминтозлари. Тошкент, 2009. 151 б.
11. Орипов А.О., Йўлдошев Н.Э., Жабборов Ш., Амонов О. Антгельминт-туз аралашмалар. И “Зооветеринария” и.о. ж-л. №7, 2009. -Б. 50.
12. Орипов А.О., Йўлдошев Н.Э., Жабборов Ш., Амонов О.З., Исаев Ж.М., Сатторов Ф. Қоракўлчилик хўжаликларига да гельминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг замонавий услуб-воситалари бўйича ТАВСИЯЛАР. //Ўз.Рес.ҚСХВ, ДВББ, УзВИТИ, Тошкент. 2010. Б.28.
13. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2016. Б.239.
14. Сайитқулов Б.С., Салимов Х.С., Орипов А.О., Норбоев Қ.Н. Ветеринария мутахасислари учун қисқача маълумотнома. Тошкент, 2015, 279 б.
15. Юлдашов Н.Э. Гельминтозларга қарши курашнинг замонавий услуб ва воситалари. Вет.фанлари доктори (DSc) диссертациянинг автореферати. Самарканд 2018. 52 б.

УДК: 619: 616. 98L 45: 571.1

**ҚЎЙ ВА ҚЎЗИЛАРДА ПАСТЕРЕЛЛЁЗ (*Pasteurella multocida*),
САЛЬМОНЕЛЛЁЗ (*Salmonella abortus ovis*) ва КОЛИБАКТЕРИОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ**

Б.А.Элмуродов-в.ф.д.,

Н.И.Наврузов, И.Д.Шералиева, Н.А.Набиева- кичик илмий ходимлар

Ветеринария илмий тадқиқот институти

Аннотация: Маҳаллий штаммлар асосида тайёрланган пастереллёз, сальмонеллёз ва колибактериозига қарши поливалент ГОА формал экспериментал вакцинани синаш тадқиқотлари биопрепаратнинг ижобий иммуногенлик хусусиятларига эга эканлигини кўрсатди. экспериментал вакцина Ветеринария илмий тадқиқот институтида янги яратилган препарат

Пястепе.ппё.ч с.япкмлмрттп!

в2. колибактеоиозига қарши поливалент ГОА

бўлиб қўй ва қўзиларни вақтида эмланса касалликнинг олди олинади. Шунинг учун ҳам касалликни даволагандан кўра олдини олган макул.

Калит сўзлар: Пастереллэз, Сальмонеллэз, Колибактериоз вакцина, иммуногенлик, штамм, антителолар, микробиология.

Кўйчилик чорвачиликнинг асосий тармоқларидан бири саналади. Бу соҳада ҳам сармоқли фойда олиш мумкин. Бунинг учун кўйларда учрайдиган юкумли касалликларни имкон қадар бартараф этиш талаб этилади. Асосан кўйларда пастереллэз (қора ўпка), колибактериоз ва сальмонеллэз каби касалликлар учраса кўйчиликни ривожланишига жиддий таъсир курсатади.

Агар бу касалликларни олдини олишда ўз вақтида зарурий тадбирлар амалга оширилмаса хўжалик катта иқтисодий зарардан қочиб қутила олмайди. Ветеринария хизмати тизимида биологик ва биокимёвий препаратларнинг етишмаслиги муаммони янада чуқурлаштириб, юкумли касалликларни кенгрок тарқалишига сабаб бўлади.

Кўй ва кўзилар орасида пастереллэз, сальмонеллэз ва колибактериоз касаллигини даволаш ва касалликка қарши курашиш тадбирлари учун катта маблаг сарфланали. Ушбу касалликни кечиши клиникаси даволаш ва олдини олиш масалаларини ўрганиш бўйича Чепуров К.П., Черкасова А.В., Григорян.М.И (1966), Махматкулов М.А, Абдусатторов А.А (1999) Махматкулов М.А Пармонов Ж.М (2000), Элмуродов Б.А. Абдалимов С.Ҳ (2004, 2007), Ибадуллаев Ф.И, Элмуродов Б.А. (2007), Элмуродов Б.А., Наврузов Н.И (2014-2019) каби олимлар иш олиб борган.

Юқорида тақидланган муаммолардан келиб чиқиб, Ветеринария илмий-тадқиқот институту Микробиология лабораториясида мавжуд кўй ва кўзилар пастереллэз, сальмонеллэз ва колибактериоз касаллигининг олдини олиш мақсадида маҳаллий сальмонелла, эшерихия ва пастерелла культураларидан фойдаланиб, кишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг пастереллэз сальмонеллэз ва колибактериозига қарши поливалент ГОА формал вакцинанинг тажриба серияси ишлаб чиқилди. Тайёрланган вакцинанинг сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида текширилди. Шу мақсадда вакцинадан суртма тайёрланди, Грам бўйича бўялди ва микроскопия қилинди. Стериллигини аниқлаш учун вакцина намунаси ГПБ, ГПА, 5% қон зардобили ГПБ, 5% қон зардобили ГПА, Сусло агари, Китт-Тароцци озуқа муҳитларига экилди. Экилган озуқа муҳитлари 37° С ва 28° С да термостатда 10 кун давомида сақланди. Зарарсизлигини аниқлаш учун вакцина 10 бош ок сичқонга тери остига 0,5 мл дан инъекция қилинди. 4 бош кўзига 3 мл дан тери остига инъекция қилинди. Вакцина инъекция қилинган ҳайвонлар 10 кун давомида кузатилди. Кузатиш муддати давомида вакцина намуналари экилган озуқа муҳитлари стерил эканлиги, вакцина инъекция қилинган ҳайвонлар тирик ва касаллик аломатлари йўқ эканлиги аниқланди.

1-жадвал

Кишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг пастереллэз сальмонеллэз ва колибактериозига қарши ГОА формал экспериментал вакцинанинг 6 ойлик самарадорлигини ўрганиш натижалари

Т/Р	Гуруҳда р номи	Ҳайвонлар сони (бош)	Эмлаш миқдори		Эмлаш усули	Зарарлантириш		Натижа
			1 марта	2 матра		Миқдори	Усули	
1	I	4	2 мл	3 мл	Тери ости	W.ГПБ-МТТ к от IV/1/1 JL	АХқДрГАГ! бушлиғи	ГПБ-МТТ. 1 партия
2	II назорат	4	-	-	-	25 млрд м.т	Кррин . бушниғи	4 бош vnnn

Шундан сўнг вакцинанинг 6 ойлик иммун фаоллигиш ўрганиш мақсадида ушбу вакцина кўй ва кўзиларга икки маротаба биринчи маротаба 2 (1) мл иккинчи маротаба 3 (2) мл, 14 кун оралиқ билан тери остига эмланди. Эмлангандан сўнг 6 ой ўтгач *pasteurella*, *salmonella*, ь. сой кўзғатувчиларининг ЛДюо (25 млрд м. т) миқдори билан юктирилди. Иккинчи гуруҳ назорат ҳисобланиб, уларга пастереллэз, колибактериоз ва сальмонеллэз касалликларига қарши экспериментал ГОА формал вакцина қўлланилмади. Улар

пастереллэз, сальмонеллэз ва колибактериоз касаллик кўзгатувчиларининг ЛДюо (25 млрд м. т) миадори билан зарарланган.

Вакцина билан эмлангандан сўнг 30, 60, 90, 180 кунлари тажрибадаги қўйлар қон зардобидаги пастерелла эшерихия ва сальмонеллаларга қарши махсус антителолар динамикасини ўрганиш учун қон олиниб антителолар титри аниқланди.

2-жавдал

Эмланган қўйлар қон зардобида *pasteurelia, salmonella, E. coli* ларга қарши антителолар титри динамикаси (АР)

№	Гуруҳлар	Қўйлар инв. №	Тажрибагача	Кунлар (вакцинациядан кейин)							
				5 кун	15 кун	30 кун	60 кун	90 кун	120 кун	150 кун	180 кун
1.	1-гуруҳ тажриба	АНО Q1 ГП VVOUUV	ЭЭЛ JZ.U	340	400	400	800	1600	1600	800	400
2.		ДЛОО1nn WOO 177	О Л А ^M-V	340	400	400	800	1600	1600	1200	600
3.		0088228	160	240	400	800	1200	1600	1600	800	600
4.		Рақамсиз	320	400	600	600	800	1200	1600	1200	800
		М	285	325	450	560	920	1400	1600	1000	600
5.	П-гуруҳ назорат	0990	320	340	320	240	320	320	340	320	320
6.		Рақамсиз	240	240	320	300	340	360	320	, 240	320
7.		0088219	360	320	340	360	340	320	320	360	360
8.		0088226	160	220	240	220	240	260	240	220	220
		М	270	280	305	280	310	315	305	285	305

Қўй ва қўзилар пастереллэз сальмонеллэз ва колибактериозга қарши экспериментал ГОА формал вакцинанинг 6 ойлик иммуногенлик хусусиятларини лаборатория шароитида ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижасида қўйлар қон зардобида махсус антителолар титри тажриба гуруҳида 30 кунликда 1:560 даражани, 90 кунликда 1:1400 даражани ва 180 кунликда 1:600 даражани ташкил этади.

Таққикотларимиз давомида эмланган қўй ва қўзиларнинг қон кўрсаткичлари текшириб борилди. Текширишлар натижасида эмланган қўй ва қўзилар қонидан лейкоцитлар, эритроцитлар сонининг кўпайиб бориши, лейкоформуланинг нисбатан ўзгариши қайд этилди.

*

3-жавдал

Пастереллэз, сальмонеллэз ва колибактериозга қарши экспериментал ГОА формал вакцинанинг эмланган қўзилар қонининг гематологик кўрсаткичлари

Текшириш взкти	Эритроцит (млн)	Лейкоцит (х ж ттт-г)	Лейкоформула					
			Э	Б	М	Л	Нейтрофиллар	
							Таёқча ядроли	Бўғим ядроли
Эмлангангача	0 14	8 72	7 0	0,4	3 2	48,0	4,6	40,6
5 кун	9,15	9,96	8,0	0,4	3,2	48,0	4,6	35,8
15 кун	9,14	9,96	6,8	0,4	3,0	49,0	4,2	36,6
30 кун	9,20	10,24	6,6	0,6	3,6	43,8	4,2	40,8
60 кун	9,74	10,56	6,4	0,4	3,6	45,0	4,6	39,0
90 кун	9,62	9,96	7,6	0,6	3,8	43,4	4,2	40,4
120 кун	9,40	10,2	7,6	0,4	1 4	45,4	4,0	38 0
150 кун	9,96	9,04	7,8	0,6	4,0	44,6	4,2	38,8
180 кун	9,96	9,72	7,4	0,4	3,6	42,8	4,4	41,4

Ўтказилган тадқиқотлар давомида касаллик кўзгатувчилари юқтирилгандан сўнг 10 кун кузатиш даврида тажрибадаги қўйларнинг умумий ахволи, уларда касалланиш белгилари кузатилмади.

Тадқиқотлар натижасида қўй ва қўзиларнинг пастереллёз сальмонеллёз ва колибактериоз касалликларига қарши поливалент экспериментал вакцинанинг 6 Ёилик иммун самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Махматкулов М.А., Абдусаттаров А., Япаров Э., Парманов Ж.М. “Типериммун қон зардоби билан бузоқ, қўй ва қўзилар колисальмонеллёз ва пастереллёз касалликларини олдини олиш” Научное обеспечения ветеринарного благополучия животноводства Узбекистана. Самарканд-1999. С.90-91.

2. Чепуров К.П., Черкасова А.В, ‘Щиплококковые и стрептококковые заболевания животных’. Киев - 1963.- 160 с.

3. Элмуродов Б.А., Ибодуллаев Ф.И., Махматкулов М- “Қўйлар эксперимента^ диплококкозида кузатилган патоморфологик ўзгаришлар. И УзР Мустақиллигининг 10 йиллиги ва УзВИТИ нинг 75 йиллигига бағишланган халқаро илмий конф, маърузалар матнининг тўплами. Самарканд 2001 . 97-98 бет.

4. Элмуродов Б.А., Парманов Ж.М., Махматкулов М. “Қоракўл қўйларида пастереллёзнинг кечиши ва эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятлари”. “Ветеринария” журнали Тошкент - 1999. № 3. 33 бет.

5. Абдалимов С.Х., Элмуродов Б.А. “Қўй ва қўзилар диплококкози ва пастереллёзи” // Ҳайвонлар ва паррандаларнинг ўта хавфли касалликларини тарқалиши ва олдини олишнинг мониторинги. Конф, маърузалар матнинг тўплами. Самарканд 2006 25-26 бет.

6. Абдалимов С.Х., Элмуродов Б.А. “ Пастереллёз ва диплококкоз “ “Зооветеринария” журнали кишона сони 2007. 18 бет.

УДК: 619.616.631.995.1.

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ГЕЛЬМИНТОЗЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ВА УНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

А.О.Орипов-в.ф.д., профессор

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Освещены проблемы борьбы, особенно профилактики гельминтозов в животноводстве.

Калит сўзлар: чорва моллари, қоракўлчилик, гельминтозлар, даволаш-профилактика воситалари, антгельминт-туз аралашмалар, фасциолёз, моллюскалар, моллюскоцидлар, гельминтозларга қарши воситалар.

Маълумки, чорвачилик ҳамда унинг муҳим соҳаларидан бўлган қоракўлчиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш ҳозирги даврнинг долзарб муаммосидир. Ушбу муаммога Республикамиз Президентга доимий эътибор бериб махсус қарорлар қабул қилган. Жумладан, 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидида чорва молларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотлари ишлабчиқаришни кенгайтириш борасидидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Чоравачиликда икгисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2814-сонли ҳамда “Қоракўлчилик соҳасиний жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”TM 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сонли Қарорларда барча чорвадорлар, раҳбар ходимлар, ҳамда ветеринария мутахасислари амалга оширишпи зарур бўлган ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгилаб берилган.